

Тавбанинг сирлари



11:00 / 08.04.2022 3594

Гуноҳлар бандани Аллоҳдан тўсадиган пардадир. Аллоҳдан узоқлаштирадиган барча нарсадан узоқлашиш шарт! Бу эса илм (гуноҳ Аллоҳдан узоқлашишга сабаб бўлишини билиш), надомат (гуноҳ қилиб қўйганига пушаймон бўлиш) ва азм (ҳеч қачон гуноҳга қайтмасликка қарор қилиш) билан бўлади. Чунки, банда гуноҳлар Аллоҳдан узоқлашишга сабаб бўлувчи эканини билмаса, қилган гуноҳларига надомат қилмайди, юраги сиқилмайди. Надомат қилмагач, гуноҳдан қайтмайди.

Тавба – маъсиятдан тоатга қайтиш дегани. Банда гуноҳ содир этгандан кейин тавба қилиши вожибдир.

Агар гуноҳ банда билан Робби ўртасидаги нарсаларга оид бўлса, бу маъсиятдан тавба қилишнинг учта шарти бор:

1. Гуноҳлардан дарҳол, бутунлай узилиш.
2. Надомат қилиш. Бунинг аломати узоқ вақт маҳзун бўлишдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Надомат тавбадир”** деганлар. Имом Аҳмад ривояти.
3. Гуноҳга ҳеч қачон қайтмасликка азму қарор қилиш.

Агар ушбу учта шартдан бирортаси бўлмаса, тавба саҳиҳ бўлмайди.

Энди агар маъсият инсон билан инсон ўртасига тегишли бўлса, тавбанинг тўртинчи шarti ҳам бўлади. Бу – ўша одамнинг розилигини олиш, ҳаққини қайтариб бериш.

Агар мол олган бўлса, эгасига қайтариб беради ёки пулини беради. Агар ғийбат қилган бўлса, бориб, узрини айтади ва ўша одамнинг ҳаққига Аллоҳдан мағфират сўрайди.

Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилган:

رَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ يَا سَعْدُ احْضُرْنَا عَابِدِينَ لَكَ لِيَاكُنْ لَكَ حُجْرَةٌ مِّنْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглар! Шоядки Роббингиз гуноҳларингизни ювса ва сизни дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритса...» (Таҳрим сураси, 8-оят).

Киши тавбани чин юракдан Аллоҳнинг розилигини кўзлаб қилиши керак. Агар обрўсини ўйлаб, ҳурматини сақлаш учун, мансабида қолиш учун, пулини тежаш учун, одамларнинг мақтовига эришиш учун ёки уларнинг ёмонлашидан сақланиш учун, пули йўқлиги учун, касал бўлиб қолгани учун, ўша гуноҳни қилишга шароит бўлмагани учун мазкур гуноҳдан тийилса, бу ҳақиқий тавба бўлмайди.

Тавбани кейинга суришнинг зарари

«Эртага тавба қиламан» дейдиган инсон эртага яшашини қаердан билади?!

Қисқа ҳикояда шундай келади: «Эртага тавба қиламан деб уйқуга ётди ва қайтиб турмади».

Тавбани кечга сурувчи киши икки хатарнинг орасида бўлади:

1. Гуноҳлар кўпайгани сари қалбини зулмат қоплаб олади. Натижада гуноҳ қилиш унинг табиатига айланиб қолади.
2. Касал бўлиб қолиб, қалбидаги зулматни кетказишга вақт тополмай қолиши мумкин. Натижада Роббининг ҳузурига салим бўлмаган қалб билан боради. Зеро, Аллоҳнинг ҳузурига салим қалб билан борган кишигина нажот топади.

Уламолар шундай мисол келтирганлар: «Тавбани кейинга сурувчи киши дарахтни жойидан суғуришни кечга сурувчи кишига ўхшайди. Бир куни бориб қараса, дарахт йўғонлаб кетибди. Энди уни жуда кўп машаққат билангина суғуриш мумкин бўлади. Дарахт жойида тургани сари бақувватлашиб борганидек тавбани ортга суриб, гуноҳлари кўпайиб кетган кишининг тавба қилиши жуда қийин бўлади. Умри ўтгани сайин табиатга айланиб қолган гуноҳлардан воз кечиш қийин бўлади.

Қуввати борлигида гуноҳдан тавба қилмади. Вақт ўтиб ўзи заифлашди, гуноҳлар эса кўпайиб қалбини ўраб олди. Энди унга жуда қийин бўлади».

Олимлардан бири шундай деган: «Аллоҳ таоло бир бандасига яхшиликни ирода қилса, унга тавба, надомат, синиқлик, хорлик, муҳтожлик, Ўзидан ёрдам сўраш, доимий тазарруъ ва дуо қилиш эшигини очиб қўяди. Охирида ўша банда шундай тавба қиладики, шайтон алайҳилаъна «Қанийди уни гуноҳга васваса қилмаганимда, уни тарк этганимда эди» деб қолади».

Тавба қабул бўлганининг аломатлари

Тавбадан кейин инсон олдингидан яхши тарафга ўзгариши, гуноҳлардан узоқ юриб, солиҳ амалларга ўзини уриши.

Қалбида Аллоҳдан қўрқуви кетмаслиги, Аллоҳнинг макридан бир муддат ҳам хотиржам бўлмаслиги ва бу хавф то вафот этгунича давом этиши.

Қалбнинг қўрқувдан ёрилай деб туриши.

Қалбнинг синиқлиги. Банда қилган гуноҳини ўйлаб қалбида синиқлик, хоксорлик бўлади. Бошқалар буни сезмайди. Аммо у банда доим қилган гуноҳларидан уялиш ҳисси билан ёнади.

Ким мана шу нарсаларни ҳис қилмаса, тавбасига эътиборли бўлсин. Уни тузатишга, тавбаси чин бўлишига ҳаракат қилсин. Аллоҳ таолодан ўзини насух тавба билан ризқлантиришини сўрасин.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси